Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 179 (6783). 9 сентябрь, 1976 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

САФАРБАР ЭТУВЧИ КУЧ

Ҳозир барча ишлаб чиқариш коллективларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Қозоғистон партия ҳўжалик активи кенгашида сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи катта қизиқиш билан муҳокама этилиб, ундан зиммадаги вазифаларни муваффақиятли бажаришда қўлланма сифатида фойдаланиш режалари белгиланмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам ўртоқ Брежневнинг бу нутқида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқлари, жумладан ғаллачилик ва чорвачиликни бундан буён янада ривожлантириш йўл-йўриқлари очиқ ойдин кўрсатиб берилди. Унинг бу соҳадаги қимматли кўрсатмалари бизга дастурламалдир. Чунки қўйчилик хўжалигимиздаги етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Колхозимиз бу соҳадан ҳар йили 100 минг сўмга яқин даромад олаётир.

Хўжалигимиздаги чорвачилик бўйича олий маълумотли мутахассислар қўйчиликни ривожлантириш йўлида тиним-сиз изланиб, уни интенсивлаш ва технологиясини такомиллаш бўйича бир қатор янги усулларни жорий этдилар. Шулардан бири эрта қўзилатишдир.

Чорвадорларимиз мавжуд 22 отарда она қўйларни уруғитишни қизғин бошлаб юбордилар. Мўлжалимиз бу ишни 20 октябргача тугаллаш. Шунда келгуси йил 5 февралдан 25 мартгача қўзилатиш мавсумини тугатишга эришамиз. Ҳар юз бош қўйдан 110 тага етказиб қўзи олишни мўлжалламоқдамиз.

Г. ЮГАЙ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг зоотехниги.

ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИ ҒОЯЛАРИНИНГ ИЛҲОМБАХШ КУЧИ

Улуғ Ленин барпо этган жонажон Коммунистик партиямизнинг бутун фаолияти, план ва режалари мамлакатимиз халқ хўжалиги ва экономикасини кенг суръатлар билан ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам совет кишилари партиямизнинг истиқбол чўққиларига сафарбар этувчи программ кўрсатмаларини чин қабдан қизғин кутиб олмоқдалар, тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

Мана, ярим йилдирки, советлар Ватани, социалистик мамлакатлар халқлари, жаҳондаги прогрессив инсоният КПСС нинг XXV съезди ғоялари билан, унинг илҳомбахш кўрсатмалари билан яшамоқда, курашмоқда. Қисқа давр ичида коммунистик қурилиш йўлида улкан зафарлар қўлга киритилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган ёрқин нутқи бунинг қудратли ифодасидир. КПСС XXV съездининг революцион ижодий руҳи, ғоялари,— дейди ўртоқ Л. И. Брежнев,— партиямизнинг, халқимизнинг кундалик ишларида намоён бўлмоқда, деб бемалол айтиш мумкин. Миллион-миллион омма тушунган ва қабул қилган шу руҳ, шу ғоялар бутун тараққиётимизнинг ижодий қудратли, кучли тезлатгичи бўлиб бормоқда.

Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг юксак оптимизм руҳи билан суғорилган, мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этувчи ёрқин нутқини ғоят мамнуният билан кутиб олдилар. Кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Барча областларда, шунингдек Тошкент областида партия-хўжалик активларининг кенгашлари бўлиб ўтди. Кенгашларда ҳам ана шу масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида кўрсатилганидек, республикамизнинг барча меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитети Бош секретарининг доно ва ёрқин программ нутқини, унинг маслаҳатлари ва тавсияларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бу нутқ, маслаҳат ва тавсиялар уларни фидокорона меҳнатга илҳомлантирмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифалар Ўзбекистонга ҳам бевосита тааллуқли эканлигини яхши тушунган республикамиз меҳнаткашлари план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қўшимча тадбирлар кўрмоқдалар, ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Республикамиз бўйлаб катта кураш—пахта йиғим-терим мавсуми бошланиб кетди. Миниг-минглаб гектар ерларда деҳқон меҳрига қонган миллион-миллион чаноқларда олтин дурдоналар бўлажак улкан хирмондан нишона бўлиб, намоён бўлмоқда. Колхоз ва совхозларнинг мириқшкор йигит ва қизлари термининг дастлабки куниданоқ ғайрат ва ташаббус кўрсатиб, 70—80 килограммга етказиб олтин дурдона термоқдалар. Карвонлар кетидан карвонлар, пуштлар сари йўл олмоқда. Ҳадемай «зангори кема»лар поёнсиз пахтазорлар бўйлаб катта курашга отланадилар. Ҳамманинг фикр ва мақсади етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда, ҳеч нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилган.

Республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 5 миллион 300 минг тонна, пойтахт области саршуносларн эса 450 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ҳозир ҳамма ерда ана шу улкан марра учун қизғин кураш бошланди. Йиғим-терим ишларини дастлабки кунларданоқ пухта ташкил этиш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, кун сайин суръатга суръат қўшиш, терим машиналарининг икки сменада унумли ишлашини ташкил этиш, ҳар бир теримчининг кундалик нормани оширнб бажаришига эришиш — олдимизда турган ғоят муҳим вазифадир. Илғор хўжаликлар ҳосилнинг 80—90 процентини «зангори кема»ларда териб олиш, пахта тайёрлаш планини 15—20 иш кунида бажариш, ҳар гектар ердан 45—50—55 центнердан оширнб ҳосил йиғиб-териб олиш юзасидан ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Уларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатларини ҳамма ерда қўллаб-қувватлайлик, илғорлардан намуна олиб, пахта етиштиришда юксак марраларни эгаллайлик.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида омма ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик иши масалаларига алоҳида аҳамият берилди. «Эндн партия ташкилотларининг бурчи, бутун ташкилий ва сиёсий ишнинг асосий вазифаси,— деди Леонид Ильич,— совет кишиларининг меҳнат ғайрати бундан буён ҳам юксала бориб, уларнинг туб иқтисодий проблемаларни ҳал этишдаги иштироки тобора кучайишини таъминлашдан иборатдир». Партия ташкилотлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида берилган маслаҳатлар ва тавсияларни, шу муносабат билан ҳар бир хўжалик ва коллектив олдида турган вазифаларни меҳнаткашлар оммасига етказиш учун пропаганда ва агитация ишларимизнинг барча методларидан тўла фойдаланишлари лозим. Агитация ва пропаганда ишлари, суҳбат ва лекциялар бевосита меҳнат коллективларида, дала шийпонларида, одамлар ишлаётган жойларда олиб борилиши керак. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, маҳсулот етиштиришни ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, ички резервлар ва имкониятлардан яхшироқ фойдаланишни таъминлаш учун илғор тажрибалар ва ҳаракатларни кенг қанот ёйдириш, умумхалқ соцналистик мусобақасини ривожлантириш лозим.

Партия ташкилотлари омма ўртасида снёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ишларини ҳар тарафлама кучайтиришларн лозим. Етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиштириб олишда коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш, омманинг ватанпарварлик ташаббусларига бошчилик қилиш, ҳосилнинг тақдири, шунингдек, умуман мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти оқибат натижада омманинг меҳнат ғайратига, коммунистлар қандай ишлаётганлигига боғлиқ эканлигини ҳақида ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан кўрсатилган йўл-йўриқларга амал қилиш—партия ташкилотларининг ғоят муҳим вазифасидир.

Унинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга отланган областимиз саноатчилари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари янгидан-янги зафарлар қучмоқдалар. Саккиз ойлик топшириқларнинг шараф билан адо этган саноат корхоналарининг коллективлари йилимизнинг қолган ойларини ҳам муваффақиятли якунлаш учун ғайрат ва ташаббус кўрсатиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Областимиз қишлоқ хўжалиги азоматлари ўз олдиларида ғоят муҳим ва масъулиятли вазифа—пахта йиғим-теримини қисқа муддатларда, тез суръатлар билан ўтказиш ва ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай топширнш вазифаси турганлигини тўла ҳис этмоқдалар. Ҳамма ерда меҳнат ғайрати ва снёсий активлик жўш ураётган шу кунларда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активининг кенгашида сўзлаган нутқи ишчилар, деҳқонлар, барча меҳнат аҳли кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди, уларни янги зафарларга илҳомлантирди.

Барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг доно ва ёрқин программ нутқида берилган маслаҳатлар ва тавсияларни бажариш, она-Ватанимиз куч-қудратини янада оширнш ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида бутун талант ва маҳоратларини сафарбар этадилар, янгидан-янги зафарлар қучаверадилар.



КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР ЕНГ ШИМАРДИЛАР

Шу кунларда кенг пахтазорларда иш қазиб кетди. Ҳар туп ғўзани қўз қорачиғидай асраб-авайлаб парвариш қилган, бўлиқ кўсакларни кўпайтириб, мўл ҳосил етиштирган деҳқон учун янада масъулиятли дамлар бошланди. Илғор хўжаликлар, бригадалар, звенолар теримга пухта тайёргарлик билан киришмоқдалар.

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози заршунослари ҳам районда биринчилар қатори теримга киришган эдилар.

Дастлабки кунданоқ кўпмингкилограммчи теримчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилди. Уларнинг сафи кенгайди. Рухсат опа Бардошбоева вақтдан унумли фойдаланиб, тез ва соз пахта теришда бошқаларга намуна бўлаётир.

— Мен,— дейди у,— бу йилги мавсумда кам деганда ўн тонна пахта теришга аҳд қилганман. Бу аҳдимнинг уддасидан чиқиш учун ҳамма имконият бор. Дала шийпонида биз теримчиларнинг маданий хордиқ чиқариб дам олишимиз учун ҳамма шароит мавжуд. Иссиқ овқат ташкил этилган. Жанговар варақалар ва деворий газеталар чиқариб турилади. Кўрсатгич тахталарига эса кимнинг қанча пахта терганлиги ёзиб борилади. Биринчи кунлари мен 80—90 килограммдан пахта терган эдим. Кўсаклар қийғос очила бошлагач суръатга-суръат қўшдим. Ҳозир кунига 120—130 килограммга етказиб, пахта термоқдаман.

Хўжаликда Рухсат опа сингари кўпмингкилограммчилар ҳар бир бригада ва звенода бор. Хадича Мирзаева ҳам ўзининг меҳнатсеварлиги билан тез орада шуҳрат қозонди. У ҳам кунига 120 килограммдан ошириб дурдона териб олаётир. Хадичанинг бу йилги марраси ҳам ўн тонна.

Колхозда машина теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриб қўйилди. Дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилди. Яна 5—6 кундан сўнг «зангори кема»лар ҳам ишга тушиб кетади. Ҳозирча эса кўпмингкилограммчилар хирмонга барака киритмоқдалар. Суратларда: (чапдан) Р. Бардошбоева ва Х. Мирзаева ўртоқлар.

А. Абалян фотоси.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎРМОН РЕСУРСЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Унинчи беш йилликда республика Урмон хўжалигини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидланадики, республика Урмон хўжалиги давлат комитети ўнинчи беш йиллик давомида амалга ошириш бир қанча ташкилий-хўжалик тадбирлари ўрмон ресурсларидан, давлат ўрмон фонди ерларидан анча тўлиқ фойдаланиш, ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва сифат составини яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга Урмон хўжалиги давлат комитети тоғ ён-бағрларини тахта-тахта қилиб текислаб кўчат ўтказиш, ихота ўрмонлари, ёнғоқзорлар ва арчазорлар барпо этиш, арча уруғидан кўчат етиштириш юзасидан белгиланган планларни бажармаганлиги қайд этилди. Экилган кўчатларнинг ҳаммаси ҳам тутиб қолаётгани йўқ. Кўпгина ўрмон хўжаликларида ўрмонларни ва улардаги жониворларни муҳофаза қилиш иши бўшаштириб юборилган.

Ўрмон хўжалигига техника тараққиёти дуруст жорий этилмаётир, ўрмон хўжалиги ишларини механизациялаш яхши йўлга қўйилмаган. Кўпгина ўрмон хўжаликларн мавжуд техникадан самарали фойдаланишга эришганлари йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Урмон хўжалиги давлат комитетининг ўрмон ресурсларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, ихота ўрмонзорларини ривожлантириш, ўрмонлар ва чўл яйловларининг маҳсулдорлигини ошириш, комплекс механизациялашни жорий этиш, химиялаш ҳамда ўрмон хўжаликлари ходимларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасидаги тадбирларини маъқуладилар.

Ўрмон хўжалиги давлат комитетига илғор агротехникани, техника тараққиётини жорий этиш ишини кучайтириш, ўрмонлардан фойдаланиш қоидаларини бузишга ва таъқиқланган жониворларни ов қилишга қарши курашни кучайтириш, кўчатларнинг тутишини кўпайтириш, техникадан фойдаланишни яхшилашга эришиш таклиф этилди.

Ўнинчи беш йилликда республика ўрмончилари 4 минг гектар янги арчазор ва 10 минг гектар ёнғоқзор барпо этадилар, 480 минг гектар қумлоқ ерларга турли кўчатлар ўтказадилар, 464 миллион туп юқори сифатли кўчат, шу жумладан 150 миллион туп тут ва 8 миллион туп арча кўчати етиштириб берадилар. 25,3 минг тонна мева, шу жумладан 255 тонна ёнғоқ ва 315 тонна писта етиштирадилар. асалари қутисини 10 мингтага ва товар асалари етиштиришни 419 тоннага, уруғочи қўғиларни 4800 бошга, қуён гўштн етиштиришни 246 тоннага ва қуён териси етиштиришни 123 минг донага етказилади.

Ўзбекистон ССР Урмон хўжалиги давлат комитети, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ва «Узплодоовощвинпром» ўнинчи беш йилликда 15 минг гектар майдонда ихота ўрмонзорлари барпо этишлари ва тоғ ён-бағирларидан 7,1 минг гектарни тахта-тахта қилиб текислаб, кўчат ўтказишлари керак.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига ўрмон хўжаликларига кўпроқ амалий ёрдам бериш, уларнинг фаолияти билан чуқурроқ шуғулланиш, белгиланган планларнинг бажарилиши устидан контроллиқни кучайтириш топширилди.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўрмон хўжалигининг проблемали масалаларни ҳал этишга бутун кучни жамлаши, фан ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга амалий равишда жорий қилиш ишини кучайтириши, ўрмон хўжалиги ишларини механизациялаш масалаларини ишлаб чиқишни жадаллаштириши керак.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш, Савдо, Маиший хизмат, Энергетика ва электрлаштириш, Алоқа министрликларига ҳамда Ўзбекбирлашувга ўрмончиларга медицина, савдо, маиший хизмат ишини яхшилаш, ўрмон хўжаликларини электрлаштириш, радиолаштириш ва телефонлаштиришни тугаллаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Госпланига ва «Узсельхозтехника» бирлашмасига колхоз ва совхозларда ихота ўрмонзорларини барпо этиш ҳамда чўл яйловларининг маҳсулдорлигини ошириш ишларини ўтказиш учун, ўрмон хўжаликлари техникасини ремонт қилиш ва уларни запас қисмлар билан таъминлаш учун республика Урмон хўжалиги давлат комитетига тегишли техника воситаларини ажратишни кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдиради, КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган республика ўрмон хўжалиги ходимлари социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар ва ўнинчи беш йилликнинг ўрмон хўжалигини янада ривожлантиришга доир топшириқлари бажарилишини таъминлайдилар.

ШОНЛИ САНАГА АТАБ

Кеча Тошкентда шаҳар ва пойтахт области жамоатчилиги вакилларининг Болгария социалистик революциясининг 32 йиллигига атаб тантанали йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси И. Х. Тўхтахўжаева очди.

Тошкент область партия комитетининг секретари, Совет-Болгар дўстлиги жамияти республика бўлимининг раиси А. М. Хўжаев Болгария социалистик революциясининг 32 йиллиги ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан корхоналар, колхозлар ва муассасаларнинг вакиллари болгар халқи социалистик қурилиш даврида эришган катта ютуқлар тўғрисида гапирдилар. Бир вақтлар чўпондар ва чоракорлар ўлкаси эндиликда замонавий саноат, йирик механизациялашган қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти юксак даражада тараққий этган социалистик давлатга айланди. Бу муваффақиятларга социализм туфайли, социалистик ҳамдўстлик ва аввало, Советлар мамлакати қардош халқларининг дўстлиги ва ўзаро ёрдами туфайли эришилди. Болгария билан Ўзбекистон, Болгариянинг айрим округлари билан республикамиз областлари ўртасида тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётган алоқалар бунинг ёрқин далилидир. Хасково округи билан Тошкент области меҳнаткашлари ўртасида кўп йиллардан бери ҳар тарафлама дўстона алоқалар ўрнатилган. Булар чинакам дўстлик, қардошларча бирдамлик, ниятдошлик ва маданий алоқаларнинг энг яхши намунасидир.

Йиғилиш қатнашчилари Совет-Болгар дўстлиги умумхалқ комитети номига табрик хати йўлладилар.

ДЕФОЛИАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

Тошкент области меҳнаткашлари республикада биринчи бўлиб, ўтган йилдагидан бир ҳафта олдин ғўзани дефолиация қилишни тугалладилар. 122 минг гектардан ошиқ пахтазорларда бу муҳим агротехника тадбирини амалга оширишда 70 га яқин самолёт 450 трактор аппаратлари иштирок этди.

Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Бўка ва Ўрта Чирчиқ районларида бу муҳим тадбир айниқса уюшқоқлик билан ўтказилди.

ПАХТА—ВАТАНГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 8 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун—районлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун мавсум бошидан буён

Янгийўл	1,41	4,83
Чиноз	0,64	2,31
Пискент	0,27	1,22
Бўка	0,15	0,99
Ўрта Чирчиқ	0,23	0,86
Бекобод	0,23	0,74
Оққўрғон	0,54	0,54
Юқори Чирчиқ	0,01	0,16
Қуйи Чирчиқ	—	—
Область бўйича:	0,35	1,12

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, ҳўл мева ва узум сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 сентябргача бўлган якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғи **Наманган областига** берилди.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областининг Калинин районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тошхўжаев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Халилов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Онунов) қолдирилди.

Шунингдек, республика партия ва ҳукумати нинг кўчма Қизил байроқлари **Қашқадарё областининг Қамаш районига, Наманган область Косонсой районидаги «Косонсой» совхозига, Сирдарё область Оқ олтин районидаги «Андижон» совхозига, Самарқанд область Самарқанд районидаги Киров номли совхозга** берилди.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Республика пойтахтидаги матбуот ходимлари 8 сентябрь куни журналистларнинг Халқаро бирдамлик кунини нишонладилар. Бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретари Н. Д. Уваров доклад қилди.

(ЎзТАГ).



Суратда: Пискентлик деҳқонларнинг дастлабки «оқ олтин» тонналари қизил кўприк билан пахта пункти сари йўл олган пайт.


А. Абалян фотоси.

ЎРНАК КЎРСАТИБ

Партия XXII съезди колхозининг Йўлдош Мусаев бошлиқ бригадаси далаларда етиштирилган «кўк поя»ни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун барча куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Тинимсиз ишлаб турган «Эллис» маркали уч агрегат ёрдамида кунига салкам бир гектар майдондаги каноп йиғиштирилиб, давлатга 5—7 тонна «кўк поя» топшириляпти. Бригада аъзолари мавжуд 18 гектар каноп майдонидан пландаги 180 центнер ўрнига 200 центнер ҳосил кўтаришга азму қарор қилишган.

Каноп ҳосилини қисқа муддат ичида сифатли йиғиштириб олишда механизатор—колхозчилардан Т. Хамроқулов, И. Йўлдошев, С. Нуриддинов, М. Юсупова, И. Баҳромова, П. Ҳасанов ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.



ОБЛАСТИМИЗ пахтазорларида яқин кунларда «зангори кема»лар ҳам суза бошлайди. «Ташсельмаш» заводининг ишчи ва хизматчилари пахтакорларга кўп ва сифатли машиналар етказиб бериш учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришмоқда. Суратда: корхонанинг йиғув цехида.

А. Абалян фотоси.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

ПАХТАКОРЛАР учун янада масъулиятли дамлар бошланди. Ил бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари бошланиб кетди. Пайкалларда лўппи-лўппи бўлиб кўзга ташланиб турган пахталар ҳар бир деҳқонни, механизаторни, бутун қишлоқ аҳлини янги жасоратларга ундамоқда.

Терим мавсумига ҳозирлик кўриш олдидан Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг пахта йиғим-теримига тайёргарлик ва буни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда Бўка райони партия ташкилотининг йиғим-терим вақтида колхоз ва совхозларда оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан белгилаган тадбирлари матбуотда эълон қилинган эди. Бу тадбирлар область партия комитети томонидан маъқулланиб, районлар ва қолхозлар, совхозлар партия ташкилотларига буни муҳокама этиш ва ана шу асосда ҳар бир меҳнат коллективини, қишлоқ аҳлини пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни топширган эди.

Чиноз район партия ташкилоти область партия комитети қарорини изчиллик билан амалга ошира бориб, колхоз ва совхозларда «оқ олтин» ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан амалий чора ва тадбирларни белгиладн. Бу борада айниқса, Охунбобоев номли, Карл Маркс номли ва «Қизил Октябрь» колхозларида қилиннаётган ишлар диққатга сазовордир.

Яқинда мухбиримиз мазкур хўжаликларда бўлиб, уларнинг раҳбарлари, мутахассислар ва механик-ҳайдовчилар билан суҳбатлашди.

УМУМИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Комилжон АЗИМОВ,
Охунбобоев номли колхоз раиси
, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,

Колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йиллик планларини пахта, дон, ем-хашак ва полиз экинлари етиштириш бўйича тўрт йилда бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, фидокорона меҳнат қилдилар ва мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Айниқса, пахта майдонларида шигил бўлиб очила бошлаган ҳосил миқдори социалистик мажбуриятни ошириб бажариш имконини берадиган даражададир. Энди бу ҳосилни қисқа муддатларда тўла йиғиб-териб олиб, давлатга фақат юқори сортларга сотиш асосий вазифадир.

Халқ хўжалик планини 5 октябргача, социалистик мажбуриятимизни эса 15 октябргача бажариш, ҳосилнинг 85 процентини машиналарда териб олиш тадбирларини кўриб қўйганмиз. Бунинг учун дефолиацияни муваффақиятли ўтказиш ва терим агрегатларини шайлашдан ташқари терим мавсумида иштирок этувчилар ўртасида ҳалол меҳнат беллашувини қизғин авж олдиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бўка райони партия ташкилоти ва «Москва» колхози тадбирларини ўрганиб чиқиб, биз ҳам социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқдик.

Дефолиация қилишда, пахта теришда ва агрегатларга техник хизмат кўрсатишда қатнашган механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида алоҳида иш ҳақи нормаларини белгиладик. Ҳар бир гектар сифатли дефолиация учун бир сўмдан ҳақ тўланди. 17 ХВ-1,8 терим машинаси учун мавсум нормаси 80 тонна, «Ўзбекистон» маркали машина учун 100 тонна қилиб белгиланди. Мавсум нормаси бажарилгунга қадар ҳар тонна пахта учун механик-ҳайдовчига 10 сўмдан, норма бажарилгандан кейинги пахта учун эса ўрта ҳисобда 15 сўмдан ҳақ тўлаб борилади. Бу сумманинг 80 проценти асосий механик-ҳайдовчига, 20 проценти эса унинг шогирдига тўланади.

Машина терими ёппасига бошланган кунданоқ кўчма вимпел таъсис этилиб, кундалик терим якунига қараб 15 сўм пул мукофоти билан бирга терим илғорларига бериб борилади. Транспорт ва пахта юкловчи механизмларда ишлаётган механизаторлар учун ҳам алоҳида кўчма вимпел ташкил этилиб, улар ўртасидаги мусобақага ҳар беш кунда якун ясалади ва ғолибларга вимпел билан бирга 15 сўм пул мукофоти берилади.

Хўжалик бўйича энг юқори кўрсатгичга эришган механик-ҳайдовчилар учун қимматбаҳо совғалар ажратилади. Биринчи ўрин учун телевизор, иккинчи ўрин учун туристик путёвка ва учинчи ўрин учун ВЭФ-12 радиоприёмниги белгиланган.

Йиғим-теримни намунали уюштириб, план ва социалистик мажбуриятларини қисқа муддатда бажаришни таъминлаган бригада коллективлари алоҳида рағбатлантирилади. Пахта тайёрлаш планини хўжаликдан олдин бажаришга эришган бригада аъзолари планни бажаришга қадар топширган ҳар тонна пахта учун бир сўмдан, социалистик мажбуриятни хўжаликдан олдин бажарган бригада аъзолари пландан ортиқ берилган ҳар тонна пахта учун 10 сўмдан мукофот пули олади.

1976 йил пахта ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олишни таъминлаш мақсадида оператив группалар тузилган. Бу группа аъзолари ўз фаолиятларини ҳозирданоқ бошлаб юборишди.

«ПЎЛАТ ОТ» СУВОРИЙЛАРИ СТАРТДА

Бозорбой НОРМАТОВ,
«Қизил Октябрь» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Барча хўжаликлар қатори бизнинг колхозимизда ҳам терим мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриб қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, бу йил ҳар бир терим агрегати имкониятларидан юз фоиз фойдаланишга эришиш бизнинг асосий мақсадимиздир. Зотон, терим тақдирини энди-ликда ана шу «зангори кема»лар ҳал қилаётганлиги барчага аён. Буни мен ўзимнинг кўп йиллик тажрибамдан ҳам яхши биламан.

Зукко конструкторларимиз яратиб бераётган мўъжизакор терим агрегатлари турларини бирма-бир қўлдан ўтказдим десам, муболаға бўлмайди. Нуқсонлари ҳали жуда кўп бўлган дастлабки терим машинасини 1949 йилда биринчи бўлиб синовдан ўтказганман. Ўша пайтдаги СХМ-48 терим агрегати жуда оддий эди. Бункерига 200 килограмм пахта сиғарди холос. Тележкалар бўлмаганлиги учун бункери пахтани фақат ерга тўкишга мослаштирилган эди. Сўнг у қопланиб, араваларда пунктларга элтиларди.

«Ташсельмаш»чилар 10 мингинчи терим машинасини бошқаришни ҳам менга ишониб топширишди. Бу агрегат аввалгисига нисбатан бироз такомиллаштирилган бўлиб, механик-ҳайдовчи учун қулайроқ эди. 1952 йили шу машина билан 100 тоннадан ортиқ пахта тердим.

1971 йилда 100 мингинчи терим агрегатини бошқариш ҳам менга насиб этди. Ўша йили янги тўрт қаторли «Ўзбекистон» маркали машина билан 160 тоннадан кўпроқ пахта тердим. Бу машинани яратишда конструкторларимиз ишчи узелларини такомиллаштириш билан бирга механик-ҳайдовчилар учун қулайлик яратишга жиддий эътибор беришган. Махсус ишланган кабина чанг-тўзондан ҳоли. Машина корпуси, шпинделларини ювишда механизатор ҳеч қийналмайди.

Хўжалик партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти тажрибали пахтакорлар, мутахассислар, механик-ҳайдовчиларнинг маслаҳат ва тавсиялари асосида йиғим-терим мавсумида амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқди. Дефолиация биринчи сентябрдан қизғин бошлаб юборилди. Уни 5—6 иш кунида тугалланди. 830 гектар пахта майдонининг деярли ҳаммаси самолётлар ёрдамида дефолиация қилинди. Фақат қишлоқ ўртасидаги 80 гектарга яқин майдонда ОВХ-14 агрегати ишлади.

Машина теримини 10 сентябрдан бошламоқчимиз. Карталардаги кўсакларнинг очилиши шуни тақозо этмоқда. Мавжуд имкониятларга қараганда 15 сентябргача, яъни дастлабки беш кун ичида қўл теримини ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами ҳосилнинг ўн процентини териб олишимиз мумкин. 15 сентябрдан эса машина теримига қизғин киришилиб, 30 сентябргача яна планнинг 57 проценти миқдоридаги ҳосилни териб олиш имконияти мавжуд. Кейинги ўн кунликда иш суръатини сусайтирмай давом эттирсак, яна 35 процент ҳосил йиғиб олинади.

Механик-ҳайдовчилар ва чевар теримчилар мажбуриятни бажариш учун беш иш куни кифоя қилади демоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, барча ишлар имкониятга қараб тўғри уюштирилса бунга эришиш мумкин.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЛЕЙПЦИГДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

ЛЕЙПЦИГ, 7 сентябрь. (ТАСС мухбири). Лейпцигдаги халқаро ярмарканинг СССР павильонида Совет республикаларидан бирининг ютуқлари намойиш қилиниши яхши анъана бўлиб қолган. Бу гал шу ерда очилган кузги ярмаркада Ўзбекистон ССР алоҳида бўлимда кўрсатилган.

Бир минг квадрат метр жойни эгаллаган виставка майдонида серқуёш Ўзбекистон юксак унумли тўқимачилик машиналари, электротехника буюмлари, пайвандлаш агрегатлари, чинни ва сопол буюмлар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, китоблар ва хилма-хил кенг истеъмол молларини намойиш қилди. Республиканинг ранг-баранг экспозицияси унинг Совет ҳокимияти йиллари мобайнида экономика, фан ва техника соҳасида, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятларини ифодалайди. Айни вақтда виставка ўзбек халқининг миллий анъаналари авайлаб сақланаётганлигидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг раиси Ж. Илҳомова ТАСС мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқида териб олинаётган ҳамма пахтанинг ҳозир 72 процентини бераётганлигини таъкидлади. Ғўзани парваришлаш ва унинг ҳосилини йиғиштириб олишда ишлатиладиган ҳамма машиналар Ўзбекистон заводларида чиқарилмоқда.

Ажойиб чойхона Ўзбекистон виставкасининг томошабинларини ғоят қизиқтирмоқда. Совет павильонининг меҳмонлари Тошкент модалар уйининг моделлари намойишини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР куни муносабати билан ярмаркада матбуот конференцияси ўтказилди. Конференция журналистларни ғоят қизиқтирди. Республика намояндалари ҳаётининг ҳамма соҳаларида Совет Ўзбекистони эришган ажойиб муваффақиятлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилдилар, улар ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида фахр билан гапирдилар.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК

ҚОБУЛ, 7 сентябрь. (ТАСС). Афғонистонда СССРнинг ёрдами билан барпо этилаётган электростанциялар қурилиши Совет-Афғонистон ҳамкорлигида муҳим ўринни эгаллади. Ҳозирги вақтда Афғонистонда ҳосил қилинаётган барча электр қувватининг қарийб 50 процентини совет мутахассислари ёрдамида қурилган гидроэлектростанциялар зиммасига тўғри келади.

Қобул билан Панжир дарёлари туташган наглуда 100 минг киловатт-қувватга эга бўлган катта гидрокомплекслардан бири муваффақиятли ишлаб турибди. Наглудаги ГЭС СССР билан Афғонистон ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг мамлакатда машҳур объектларидан бири бўлиб, Қобулни ва пойтахт атрофидаги районларни электр қуввати билан таъминлашга имкон берди.

Наглудаги ГЭСдан ташқари мамлакатда СССРнинг техника-иқтисодий ёрдами билан Дарунтада, Пули Хумрада, бошқа районларда яна бир қанча ГЭСлар қурилди. Мозори Шарифда маҳаллий табиий газдан фойдаланиб иссиқлик электростанцияси қурилди.

Совет мутахассислари, шунингдек саноат объектларидан фойдаланиш учун зарур ихтисосларни эгаллашда ҳам афғон дўстларига кўмаклашмоқдалар. Совет мутахассислари очган курсларда ва бевосита иш жойларининг ўзида юзлаб малакали бетончилар, арматурачилар, электриклар, монтажчилар тайёрландики, улар республика корхоналарида муваффақият билан ишламоқдалар.

БРИТАНИЯ ТРЕД-ЮНИОНЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

БРАЙТОН, 7 сентябрь. ТАСС мухбири А. Степаненко хабар беради.

Бу ерда Британия тред-юнионлари конгрессининг 108-съезди очилди. 11 миллиондан кўпроқ меҳнаткаш номидан 1.100 дан зиёд делегат энг муҳим ички ва ташқи сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун тўпланди.

Буюк Британия иқтисодий проблемалари съезднинг диққат марказида турибди. Англия экономикаси бошидан кечираётган кучли таназзил меҳнаткашларнинг аҳволини янада оғирлаштириб, ишсизликни кучайтирди. Ишсизлар сони августдан ойида бир ярим миллион кишидан ошди. Британия тред-юнионлари конгрессининг президенти С. Плант делегатларга мурожаат қилиб, БТКнинг урушдан кейинги бирон-та съезди ҳам иш билан банд қилиш соҳасида шу қадар нескин кризис вазиятида ўтмаган, деб айтди.


Касаба союз активларидан С. Клей «Британия пенсионерлари тред-юнионларининг ёрдам комитети номидан сўзга чиқиб моддий неъматларини уларни ишлаб чиқарувчилар фойдасини кўзлаб қайта тақсимлашни талаб қилди.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Маҳаллий мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда товуқ ва фазанлар бир йилда қарийб 30 миллион килограмм турли зараркунанда ҳашоротларга бегона ўтларни истеъмол қилишар экан. Республикада шундай қушларни кўпайтириш учун шароит яратилмоқда. Суратда: қушчаларга «квартира».

ЧТК—ТАСС фотоси.

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Энгельс номли колхоз далаларида каноп ўрими қизғин тус олдириб юборилган. Колхознинг мавжуд 237 гектар каноп майдонидан пландаги 181 центнер ўрнига 200 центнердан «кўк поя» топшириш мўлжалланмоқда. Илғор бригадаларда бу ҳосил гектар бошига 240 центнерга етказилади. Суратда: колхоз далаларида каноп ўриш пайти.



Г. ПУИ фотоси (ЎзТАГ).

ҲОСИЛ ҒАМИДА

Тошкент областидаги Олмалиқ химия заводининг мутахассислари оддий рудалар деб аталган хом ашёлардан қўплаб аммофос ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан аввал янги маҳсулотни синаб кўришди. Миннерал ўғит лаборатория шароитида ҳам, далада ҳам «имтиҳон бердн». Маълум бўлишича, таркибида фосфат моддалари кам бўлган рудалардан олинган аммофос одатдагидан бошқачароқ агротехникани талаб қилар экан. Корхонада махсус тавсиялар ишлаб чиқилиб, қишлоқ меҳнатчиларига таништирилди.

Химикларнинг совхоз ва колхозларга мунтазам бориб, аҳволни ўрганишлари дастлабки ҳулосалар тўғрилигини тасдиқлади: ерга ўғит солишда белгиланган агротехникага аниқ риоя қилинса ҳосилдорлик анча орта беради.

Бу ҳусусият Олмалиқ аммофосигагина тааллуқли эмас, дейишди химия саноати министрлигида ТАСС мухбирига. Тўғри, агротехника шароитида ўғитнинг ҳар тоннаси донли экинлар ҳосилдорлигини тўрт тонна, картошка ҳосилдорлигини эса 26 тонна оширади. Аммо ҳар ҳолда бунинг ғамини қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ейишлари керак, ишлаб чиқариш коллективлари эса ўғит сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беришлари лозим.

КПСС XXV съезди химиклар олдига беш йиллик охиригача қишлоқ хўжалигини асосан донадор ҳолда тайёрланган ўғитлар билан таъминлаш вазифасини қўйди. Бу—бежиз эмас: бундай ўғитларни қоп-қанорсиз ташиш ва қуриқлигича аралаштириш мумкин, бундай ўғитлар тупроқнинг юқори қатламида узоқ муддат сақланиб, ўсимликлар уни яхши ҳазм қилади.

Химиклар мураккаб ва концентрат ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини ҳам муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Мамлакатдаги жами ўғит ишлаб чиқариш ҳажмида бундай маҳсулотнинг салмоғи бултурги 74 процентдан 78,5 процентга ва беш йиллик охиригача 90 процентга етади. Ўғитлар таркибидаги тўйимли моддаларнинг ўртача миқдори бу йил 35 процентдан 37 процентга ва беш йилликнинг кейинги йилларида 40 процентга етказилади.

1980 йилга борганда минерал ўғит ишлаб чиқаришни 143 миллион тоннага етказиш мўлжалланган. Ундан тўғри фойдаланиш дон, пахта, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилига барака киритишни таъминлайди.

(ЎзТАГ).

БУГУН—БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ГУЛЛА-ЯШНА, ҚАРДОШ БОЛГАРИЯ!

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ САРИ

Болгарияда социалистик революция ғалаба қозонганига 32 йил бўлди. Бундан 30 йил бурун эса 1946 йил 15 сентябрида Болгария Халқ Республикаси, деб эълон қилинди.

Бу икки юбилей эришилган муваффақиятларга якун ясаш ҳамда болгар халқининг истиқболига муносиб баҳо беришда қўл келадиган шонли саналардир.

Ўтган 30 йил Болгария давлатининг бутун тарихида энг самарали йиллар бўлди. Шуни айтиш кифояки, мазкур давр ичида миллий даромад қарийб саккиз баробар ўсди. Биз ўз ютуқларимизни яқин ўтмишдаги ишлар билан фахрланиб солиштирар эканмиз, Болгария Халқ Республикасининг жуда тез суръатлар билан ривожланаётганлигини кўрамиз. Эндиликда Болгария экономиканинг ўсиш суръатлари бўйича дунёда дастлабки ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўтган беш йилликда миллий даромад 46 процентга кўпайди. Бундай ўсишнинг 96,9 процентига ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Худди шу йиллар ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш қарийб 55 процент ошди.

Айниқса иқтисодий куч-қудратимизни қисқа вақт ичида оширишга имкон берувчи соҳалар, масалан, машинасозлик, электрон-ҳисоблаш ва ташкилий техника машиналарини ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланди. Беш йил ичида умумий қуввати 3 минг мегаватт бўлган янги энергетика объектлари фойдаланишга топширилди. Бу аввалги 20 йил ичида эришилганига қарийб тенгдир. Болгарияда ва умуман Болқонида биринчи атом электр станцияси Козлодуй шаҳрида қурилиб, электр токи бера бошлади.

Болгария қишлоқ хўжалиги асрий анъаналарига эга. Халқ ҳокимияти йилларида улар янги тажриба билан бойиди. Аграр-саноат комплексларининг яратилиши ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаш имконини берди. Механизация, химия ютуқлари, энг янги илмий тадқиқотлар кенг ва самарали қўлланила бошланди. Бу эса беш йилликда дон тайёрлашни 17, гўшт тайёрлашни 37,7 процент кўпайтириш имконини берди.


Илм-фан ва маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ҳам катта ютуқларга эришилди. Халқ турмуш фаровонлигининг даражаси яқин ўтмишдагига нисбатан беқиёс ўсди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари беш йилликда 32,4, чакана товар оборотн 46,8 процент ўсди.

Болгар меҳнаткашлари ўз ютуқларини тилга олар эканлар, бунда бошқа социалистик мамлакатлар, аввало Совет Иттифоқи билан қардошларча ҳамкорликнинг катта хизмати борлигини миннатдорлик билан таъкидлайдилар. СССР ёрдамида БХРда яратилган ишлаб чиқариш қувватлари металлургия, энергетика, нефтни қайта ишлаш ва экономиканинг жуда кўп бошқа соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини бермоқда. Болгария СССРдан энг муҳим хом ашё турлари, технологияни олиб турибди. Юксак малакали совет мутахассислари ўз болгар ҳамкасбларига чин дилдан кўмаклашмоқдалар.

Халқимиз бу муваффақиятларни еттинчи беш йилликдаги янги меҳнат ғалабалари учун замин, деб ҳисоблайди. Янги беш йилликда миллий даромад 45—50 процент, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб 55 процент ўсишн керак. Экономиканинг ривожланиши аҳоли турмуш даражасини ошириш учун янги истиқболлар очиб беради.

Республика ўзининг икки шонли юбилейини нишонлар экан, комил ишонч билан келажакка боқади.

Димитр КОЛЕВ,
болгар журналисти.
(София-Пресс-АПН).



Козлодуй шаҳрида СССР ёрдамида қурилаётган атом электростанцияси бутун Болгарияда ҳосил қилинадиган электр қувватининг учдан бир қисмини халқ хўжалигига етказиб беради.

Суратда: станциянинг умумий кўриниши.

Централфото—ТАСС

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО:

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

Болгар халқининг миллий байрами нишонланаётган шу кунларда қардош Болгарияга қилган сафаримиз таассуротлари яна бир карра хотирамизда жонланади.

Шу йил июль ойида пойтахт области партия делегацияси Хасково округида бўлиб, бу ердаги партиявий-сиёсий ва идеологик ишлар соҳасида тўпланган бой тажрибани ўрганиб қайтди. Биз Болгариянинг Димитровград, Харманли, Свиленград каби шаҳарларида бўлиб, йирик саноат корхоналари иши билан танишдик, уларнинг меҳнаткашлари билан дўстона суҳбатлар қурдик.

Айниқса, Жеко Димитров номли тўқимачилик комбинатидаги учрашувлар менинг ёдимда қолган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган рангоранг пиширк газламалар кўзни қамаштиради. Дўстларимиз бизга шуни ҳам айтишдики, бу газламалар сифати кундан-кун яхшиланиб бормоқда. Комбинат замонавий тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бир ишчи бир неча дастгоҳни бошқаради. Комбинатнинг иноқ коллективи совет тўқимачиларидан кўп нарсаларни ўрганаётганликларини бизга айтишди. Корхонада бўлиб ўтган болгар-совет митингида ҳам бундай ўзаро яқин ҳамкорликнинг жуда катта аҳамияти яна бир карра таъкидланди.

Қардошларча дўстлик ва ҳамкорликнинг яна бир намунаси шунда ҳам кўринди-ки, Хасково шаҳрида қурилган марказий универсал магазинга Ўзбекистон пойтахти —Тошкент номи берилган экан. Ана шу ажойиб воқеага бағишланган митинг жуда илиқ ва самимий руҳда ўтди. Универмагнинг ўзи замонавий услубда қурилган бўлиб, савдо заллари кенг, ёруғ ва шинамдир. Бу каттагина савдо корхонаси хилма-хил асбоб-ускуналар, қимматбаҳо машиналари билан таъминланган, магазин прилавкаларида Болгарияда ишланган буюмлар билан бир қаторда совет товарларини ҳам кўриш мумкин. Биз Тошкент номи берилган универмаг аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатаётганидан жуда мамнун бўлдик.

Бизнинг делегациямиз қаерда бўлмасин, уни ҳамма ерда шодиёналик билан кутиб олишарди. Ўзаро дўстона суҳбатлар ва учрашувларда Тошкент области меҳнаткашларининг Хасково округи меҳнаткашлари билан анъанага айланиб қолган, қардошларча ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги алоҳида таъкидланарди. Делегациямизни қабул қилган Хасково округ партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Г. Корцанов ҳам ана шу ҳамкорлик ҳақида мамнун бўлиб гапирди, янги беш йилликда ўзаро алоқаларимиз янада ривожланишига комил ишонч билдирди.

Бугун биз Болгариянинг миллий байрамини нишонлар эканмиз, қардош ва дўст халққа Болгария коммунистик партиясининг ўн биринчи съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга оширишда катта ютуқлар тилаймиз.

Қ. САРДИЕВ,
Тошкент «Малика» трикотаж бирлашмасининг бош директори.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

◆ БОЛГАРИЯДА халқ хўжалиги жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 1971—1975 йиллар мобайнида саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 55 процентга ортди. Эндиликда жаъми ижтимоий маҳсулотнинг 60 процентдан кўпроғи саноат ҳиссасига тўғри келади. Шу беш йилликда эса саноат ишлаб чиқаришини 55—60 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда.

◆ РЕСПУБЛИКА қишлоқ хўжалиги эндиликда бундан 30 йил аввалгига нисбатан икки ярим баробар кўп маҳсулот бермоқда. Шу беш йилликда эса бундай маҳсулотлар тайёрлаш тахминан 20 процент кўпаяди. Ҳозирги вақтда Болгария қишлоқ хўжалиги 15 от кучига ҳисобланганда 122 минг трактор, 20 минг комбайн , 30 минг культиваторга эга бўлиб, янги беш йилликда деҳқончилик ишларини механизациялаш даражаси янада ортади.

◆ БОЛГАРИЯ экономикасининг муттасил ривожланаётганлиги аҳоли турмуш даражасини янада ошириш имконини бермоқда. Ўтган олтинчи беш йиллик давомида республикада жаъми 242 минг квартирали янги уй-жойлар қад кўтарди. Еттинчи беш йилликда эса аҳоли яна тўрт юз минг янги квартирага кўчиб киради.

◆ ХАЛҚ ҳокимияти йилларида маориф ишлари ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ҳозирда 241300 дан зиёд киши олий ва тугалланмаган олий маълумотга, 820300 дан кўпроқ киши эса ўрта махсус ва умумий ўрта маълумотга эгадир.

◆ СССР ёрдамида БХРда 1971—1975 йиллар мобайнида 150 га яқин саноат корхонаси қурилди. Янги беш йилликда эса СССРнинг техникавий кўмагида яна 120 завод, фабрика ва бошқа корхоналар бунёд этилади.

◆ БОЛГАРИЯ ташқи савдоси умумий ҳажмининг қарийб бешдан тўрт қисми социалистик мамлакатлар, шунинг ярмидан кўпроғи СССР ҳиссасига тўғри келади. Янги, еттинчи беш йилликда мамлакатларимиз ўртасидаги товар оборотн салкам 24 миллиард сўмни ташкил этади.

ПЛОВДИВ ШУҲРАТИ

Болгарияда Пловдив сингари қадимий тарихи ҳозирги тақдири билан чамбарчас боғланган бошқа бир шаҳар топилмаса керак. Археологлар бу шаҳарнинг ўтмишдаги хўжалик ва маданий ривожидан дарак берувчи кўплаб ҳужжатларни, буюмларни, жаҳонни ҳайратга солган ёдгорликларни топишган. Ҳозирда шаҳарнинг марказий қисми меъморий қўриқхонага айлантирилганлиги ҳам бежиз эмас.

Пловдивнинг бугунги шуҳратига-шуҳрат қўшувчи халқаро ярмаркалар бу қадимий савдо марказининг анъаналарини ривожлантиргандай бўлади. Ҳар йили сентябрь ойининг бошида бу ерга турли қитъалардан саноат ва савдо-сотиқ билан шуғулланувчи кишилар келишади. Бу йил 42 мамлакатнинг 2 минг фирмаси ўз маҳсулотларини Пловдивга юборди.

Ярмаркада халқ Болгариясининг бир неча павильони бор. Аввало, машинасозлик маҳсулотлари қўйилган бўлиб, буларнинг кўпчилиги социалистик иқтисодий интеграция самараси ўлароқ ишлаб чиқарилмоқда. Электроника ва асбобсозлик, қишлоқ хўжалиги ва металлургия, меъморчилик ва «катта химия», қурилиш ва кончилик саноатига оид экспонатлар учун махсус павильонлар ажратилган.

Совет Иттифоқи Пловдив ярмаркасининг энг актив қатнашчисидир. СССР павильони ва очиқ кўргазма майдони 11 минг квадрат метрдан ортиқроқ жойни эгаллайди. Анъанага кўра ҳар йили иттифоқчи республикалардан бири павильонда ўз маҳсулотларини намойиш қилади. Бу йил Туркманистон ССР ярмарка меҳмонидир. У фақат ўз буюмларинигина эмас, балки маданият ва санъат соҳасидаги ютуқларини ҳам намойиш этади. Совет экспозицияси экономиканинг ҳамма соҳаларида эришилаётган жадал тараққиётни акс эттириб, КПСС XXV съезди қарорларида белгиланган истиқболларни равшан кўрсатади.

Халқаро ярмаркани ташкил қилиш мураккаб ва масъулиятли ишдир. Халқаро иқлимнинг юмшаши, халқларнинг ўзаро яқинлашув ва ҳамкорликка интилиши ўса борган сари ярмарканинг аҳамияти орта боради. Шунинг учун ҳам ярмаркани ташкил этувчилар унинг маданий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор беришди. Ярмарка қатнашчилари ва меҳмонлари учун фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг энг муҳим масалалари бўйича юзга яқин доклад тайёрланган. Пловдив музейлари ва театрлари ҳам меҳмонлар ихтиёрида. Шаҳар стадионлари ва спорт майдончаларида футбол, енгил атлетика, шахмат бўйича халқаро турнирлар ўтказилади, сув спорти мусобақалари ташкил қилинади. Саноат корхоналари ва аграр-саноат комплексларининг коллективлари анъанага кўра турли мамлакатларнинг павильонларини «оталиққа олиб», турдош касбларнинг вакиллари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлайдилар.

— Бизнинг Пловдив ўз дарвозаларини чет эллик меҳмонлар учун кенг очиб қўйган, — дейди шаҳар советининг раиси Диран Паикян. — Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш олийжаноб анъанадир. Пловдив бу анъанага содиқдир.

Георги ВЛАСОВ,
болгар журналисти.
(София-Пресс-АПН).

Й. КРАЕВА-ТЕНЧЕВА: „ЎЗБЕКИСТОН—ИККИНЧИ УЙИМ“

Йонка Краева-Тенчева Болгариядаги Гложина қишлоғида туғилиб ўсган. Оиласи ҳам ўша ерда. Шундай бўлса ҳам у Ўзбекистонни иккинчи ватаним, иккинчи уйим, деб билади. Бунинг сабаби бор. Йонка шу ерда, Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида сиртдан ўқийди. Жонажон ўлкамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиққан...

Яхшиси, унинг ўзига мурожаат этайлик:

Қайтиб келдим бағрингга такрор,
Эй, жонажон, иккинчи уйим,
Серқуёшим, серҳиммат диёр —
Ўзбекистон — иккинчи уйим.
Мен Навоий шаҳрида андак
Кездим — йўллар ҳамроҳдек юрди:
Қаршн узра яратилажак
Боғлардаги гулдек қулф урди.
Кўз ўнгимда олтин япроқлар,
Поёни йўқ кумуш пахтазор,
Уфқларга туташган тоғлар
Олтин тўйин кутар интизор.
Бир қизингдек эй меҳрибоним,
Дорилфунун қуйнида мен шод.
Ғафур Ғулом,
Зулфияхоним,
Менга эрур мўътабар устод.

Ҳа, Ғафур Ғулом ва Зулфияни ўз устозим, деб билган шоиранинг Ўзбекистонни меҳр билан иккинчи уйим, деб аташига ишонгинг келади. Зотан у ишчилар тўғрисида шеър битганда ҳам иккинчи ватанининг номини ҳурмат билан тилга олади:

Сояда ўсувчи гулмас, қурашчан,
Кунгайда барг ёзган чинордек улар—
Чинордек меҳрини юртга улашган
Буюк Ўзбекистон фарзанди улар.

Унинг шеърларидан аёлларга хос майин, ширали, жозибали овоз эшитилиб туради. Лирикасидаги лирик қаҳрамон эса китобхонни ўзи билан бирга етаклайди, ҳароратли нафаси ўқувчи кўксини иситади, ҳисларини эркалайди, багрини силайди:

Бу тунда мен дунё бўлиб боқарман,
Қорқиз бўлиб деразангни қоқарман,
Енгинангдан дарё бўлиб оқарман,
Майин елдек силар қўлим юзингни
Ва ўйқули кўзингни...

Йонканинг шеърлари болгар вақтли матбуотида тез-тез босилиб туради. Ҳатто ўзбек шеърият мухлисларига ҳам бир мунча таниш бўлиб қолган десак, адашмаймиз. Чунки унинг «Звезда Востока» журналида, «Комсомолец Узбекистана» газетасида русчага таржима қилинган шеърлари бир неча бор босилди. Ўзбек тилида илк марта Абдулла Шер таржимасида «Гулистон» журнали да эълон этилди. Шунингдек, Туркманистонда қурувчи бўлиб ишлаган кезлари «Туркменская искра» газетасида ҳам шеърлари чиққан.

Ёш шоира Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида сиртдан ўқиш билан бир қаторда журналистик фаолиятини ҳам изчил давом эттирмоқда. У бир неча йил Болгариянинг Киркали шаҳрида чиқадиган «Нов живот» («Янги ҳаёт») округ газетасида ишлади. Ҳозир ҳам журналистикага оид материаллар билан болгар вақтли матбуотида иштирок этиб келмоқда.

Яқинда у яна Тошкентга келди. Тошкент области колхозларида бўлди. Бухоро ва Газлидаги зилзила офатларини ўз кўзи билан бориб кўрди. Ўзбекистондаги болгарлар ҳаётидан она диёрига материаллар олиб кетди...

Хуллас, у ҳамиша йўлда. Агар уйида ёлғиз ўлтирган тақдирда ҳам уни йўлда деб фараз этмоқ даркор. Бинобарин шоира шеър ҳаёли билан яшайди. Шеър ёзиб, одамлар қалбига йўл солади. Демак, барибир у йўлда. Бизнинг тилагимиз: унинг йўлини бахти билан, сермаҳсул ижоди билан берсин.

Қуйида унинг ижодидан намуна. Ўқийсиз.

ЧОРЛАИДИ ИЎЛЛАР

Мени сўнгсиз кенгликлар
Яна янги йўлларга бошлаб чорлар,
Тоғлар турар, зангори тоғлар,
Кўк плашчин эгнига ташлаб...
Қолларга тармашган қишлоқ
Жозибаси ташлар дилга чўғ.
Бордир унда ўйноқи болоқ,
Қўшиқлари — ўзидан ҳам шўх...
Туш чоғида қизиб кетар тан.
Олгим келар ҳовучлаб қўлга—
Муздай, зумрад, тоғнинг сувидан
Сўнгра тағин тушарман йўлга.
Кенг даланинг қучоғи очиқ.
Енгил тортар қафасда юрак.
Йўқ, тўхта сен, тўхта, йўлга чиқ!
Ҳали олдда нқболу тилак...

Э. МУҲАМЕДОВ
таржимаси.

Пловдив округи Первенец қишлоғининг агросаноат комплекси энг кўп ва сифатли маҳсулот етиштирганлн учун «Олтин мева-76» мусобақа конкурсида ғолиб чиқди.

Суратда: хўжаликда терилган олмалар яшикларга жойланяпти.

ТАСС фотохроникаси.



КХДРнинг 28 йиллигига

УМУМИЙ БАЙРАМИМИЗ

9 сентябрь куни Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил бўлганига 28 йил тўлади.

Корея тупроғида биринчи мустақил халқ демократик давлатининг тузилганлиги Корея халқининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган кўп йиллик қаҳрамонона курашининг қонуний самараси бўлди. Совет Қуролли Кучлари томонидан милитаристик Японияннг сара қўшинлари тор-мор этилиши ҳамда Кореянинг япон мустамлака ҳукмронлигидан озод қилиниши бунга имкон берди.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари КХДР президенти Ким Ир Сен ўз нутқларидан бирида шундай деган эди: «Совет армияси томонидан Кореянинг япон империализми зулмидан бевосита озод қилиниши Корея Халқ Демократик Республикаси вужудга келиши учун энг муҳим шарт-шароит яратди... Агар Совет Армияси Кореяни озод қилмаганида Корея Халқ Демократик Республикасининг ўзи ҳам бўлмасди. Шунинг учун ҳам иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқининг ғалабаси корея халқи тарихида янги саҳифани очди».

Корея тупроғида социалистик давлатнинг туғилиши жаҳон социализми кучларининг йирик ютуғи бўлди. Шу билан мустамлакачилик ва империализмга яна бир зарба берилди. Социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамдўстлигига Корея фаол ва тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Шу ҳамдўстлик ёрдами ва мадади билан ўтган даврда республика янги жамият қурилишида катта ютуқларга эришди. Бир пайтлари қолоқ, ярим феодал мамлакат бўлган Корея ривожланган индустриал давлатга айланди.

КХДРда амалга оширилган жуда катта ўзгаришлар унинг барча дўстларини, биринчи навбатда совет кишиларини чинакам қувонтиради. Ҳозир республика ўн кун ичида бутун 1944 йилда тайёрланган маҳсулотга тенг миқдорда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Саноат маҳсулотининг энг муҳим турлари, жумладан, электр қуввати, пўлат, цемент, кўмир, кимёвий ўғитларни жон бошига ишлаб чиқариш бўйича КХДР дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражасига етди. Қишлоқларни электрлаштириш тугалланди, уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. Маориф, фан, маданият, соғлиқни сақлаш борасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги йил сайин яхшиланмоқда.

Корейс халқининг социалистик жамият қурилиши учун, ватаннинг миллий бирлашиши учун курашининг ҳамма босқичларида Совет Иттифоқи бутунлай унинг тарафида туриб, моддий ёрдам ва маънавий-сиёсий мадад бериб келди ва келмоқда. Ўрушдан кейинги даврда СССР кўмаги билан элликдан ортиқ хилмахил корхоналар тикланиб, қайта жиҳозланиб, янгидан қурилди, улар КХДР экономикасини ривожлантиришда биринчи даражали аҳамият касб этди. Ҳозирги вақтда Совет мамлакати Кореяда яна 20 га яқин корхона қурилишида техникавий ёрдам кўрсатмоқда.

СССР билан КХДР ўртасида тузилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома халқ Кореясининг сиёсий ва иқтисодий ютуқлари, совет-корейс муносабатларининг ҳар тарафлама ривожланишида мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилмоқда. 1961 йил 6 июлида имзоланган бу Шартнома ҳар иккала мамлакат халқларининг тўб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ишончли омил бўлмоқда. Ўтган давр шуни яққол кўрсатди.

Корея Меҳнат партияси, КХДР ҳукумати Ватанининг миллий бирлигига эришиш йўлида сабр-матонат билан иш олиб бормоқдалар. АҚШ империалистик доиралари, Сеул қўғирчоқ тузумининг айбн билан Корея иккига бўлиб юборилди. Корейс халқининг мамлакатни бирлаштириш учун кураши совет кишилари социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари, жаҳон прогрессив жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатлар Корея ярим оролида кескинликни бартараф этишга ҳамда мамлакатнинг тинч демократик йўл билан бирлашиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган актив иш олиб бормоқдалар. Яқинда социалистик мамлакатлардан бир группаси, жумладан, СССР, шунингдек, қўшилмаган давлатлар БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак XXXI сессиясида қараб чиқиш учун Корея масаласи бўйича резолюция лойиҳасини киритдилар. Унда жумладан, КХДРга қарши ҳамма агрессив ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш, Жанубий Кореядан қарбий қуролярогларнинг янги турларини, жумладан ядро қуролини тезда олиб кетиш, шунингдек, кескинликни ўткирлаштираётган, Кореяда янги уруш хавфини кучайтираётган барча қўпорувчилик ҳаракатларига чек қўйиш талаб қилинади.

СССРнинг Халқ Кореяси билан муносабатларидаги сиёсати изчил ва ўзгармас эдн ва шундай бўлиб қолади. Бу сиёсат марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига асосланганлигидир. Бу йўл корейс халқи билан дўстликни янада мустаҳкамлаш, социализм қуриш ишида КХДРни фаол қўллаб-қувватлаш йўлидир.

Шу йил август ойида Корея озод қилинганлигининг 31 йиллиги нишонланди. Совет раҳбарларининг ана шу муносабат билан КХДР раҳбарларига юборган табрик телеграммаларида бундай дейилган эди: «Совет кишилари ишонадиларки, Совет Иттифоқи билан КХДР, КПСС билан КМП ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик социализм ва коммунизм тантанаси йўлида, социалистик мамлакатларнинг империализм ва реакция бузғунчиларига қарши кураши манфаатлари йўлида, халқларнинг тинчлик ва хавфсизлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади».

Советлар мамлакати меҳнаткашлари КХДР ташкил бўлганининг 28 йиллигини нишонлар эканлар, социализм қуришда, ватан бирлиги учун курашда корейс дўстларига янги муваффақиятлар тилайдилар.

Валентин ПАК,
СССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.
(АПН).

Бизнинг ахборот

КОРХОНА ДОВРУҒИ

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Таштекстильмаш» заводининг довруғи бутун оламга таралган. Корхона ишлаб чиқарган тўқимачилик машиналарига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Қисқа вақт ичида Куба, Афғонистон, Болгария, Миср сингари чет давлатларга жуда кўплаб завод маркаси туширилган машиналар юборилди. Ҳаммаси бўлиб эса йил бошидан бери 345 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилиниди.

Бизнинг тўқимачилик машиналаримизга Польша, Таиланд ва Монголиядан ҳам буюртмалар келганди. Шу буюртмалар асосида ўтган ойнинг охирларида Монголия Халқ Республикасига иккита Р-192-ИМ маркали машина жўнатилди. Польшага 23 та Р-192-З ва Таиландга еттита худди шундай машина юборилади.

Завод ишчилари чет элларга чиқарилаётган машиналарни созлашда буюртмачи давлатлар корхоналарига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Яқинда бир группа ишчилар Югославия, Афғонистон, Польша, Покистон ва Уганда мамлакатларида бўлиб, корхонада чиқарилган машиналарни созлаб қайтдилар.

Р. ТУЛАГАНОВ.

ҚУРИЛИШ АВЖИДА

Пойтахтдаги Охунбоев майдонида қадимий услубда қурилаётган ҳаммом биноси кўзга ташланиб қолди. Бинокорлар объектнинг биринчи навбатини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қиляптилар.

Ҳаммомнинг бу йил фойдаланишга топшириладиган биринчи навбати — уч қаватли маъмурий бино ва иккита бир қаватли блокдан иборат. Бино миллий услубда пардозлаш чиқариляпти. Олд тарафи алюмин витриналар ва рангли мозаика билан безатилади.

Шу кунларда объект қурилишида социалистик мусобақа авж олган. Александр Ростаргуев, Анвар Солиҳов бошчилигидаги бригадалар вақтдан ўзиб меҳнат қилишмоқда. Улар республикамизда ягона бўлган озодалик комплекси ишга тушадиган кунларни яқинлаштиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

ТОШКЕНТЛИК АРТИСТЛАР НОҚОРАТУПРОҚ ЕРЛАРДА

Ўзбекистон пойтахтидаги бешта театрнинг артистларидан тузилган группа «Тошкент театрларининг ёшлари —ноқоратупроқ зона меҳнатчиларига» шиори остида Новгород областида томошалар кўрсатади. Ёш артистлар Шимский, Сольци, Волотовский районларининг мелиораторларига ва қишлоқ қурувчиларига концертлар берадилар. Бу районларда ноқоратупроқ зонадаги кўриқ ерларни ўзлаштириш учун келган минглаб ўзбекистонликлар меҳнат қилмоқдалар.

Новгород.

(ТАСС мухбири).


ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ


▲ ПРИМОРСК ўлкасидаги Шарқий портда йилига 70 минг контейнер ўтказадиган янги причал ишга тушди. Бу причалнинг йиллик юк оборати 30 миллион тоннадан ортиқдир.


▲ Қирғизистон яйловларида. Тянь-Шань тоғ ён бағирларида Ўш областининг «Тўқтагул» совхозининг яйловлари жойлашган. Суратда: чўпон К. Чотоев отарининг қўйларни ўтламоқда.

▲ Эстония ССР. Таллиндаги Пирита-Козе-Клостриметс трассасида мамлакат пойга автомобиллари мусобақасининг якунловчи босқичи ўтди. Суратда: пойга машиналари стартда.

Ю. Муравин, А. Қодирқулов ва М. Шлафтейн, П. Кузнецов (ТАСС) фотолари.







ШАХМАТИМИЗНИНГ РАВНАҚИНИ ЎЙЛАБ

Социализмнинг шарқдаги машъали — Совет Ўзбекистонининг забт этган чўққилари ҳозирги кунда бутун дунёни лол қолдирмоқда. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган юксак муваффақиятлар, коммунистик партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли моддий фаровонлигимиз ва маданий савиямиз тобора юксалаётгани ҳар бир совет кишисини бедҳад қувонтирмоқда.

Бизда ҳар соҳанинг чинакам уста мутахассислари, чунончи машҳур олимлар, конструкторлар, педагоглар, адиблар, санъаткорлар, қисқаси шахматчилар таъбири билан айтганда ўз касбининг асл гроссмейстерлари бор. Кейинги йилларда республикамизда ўлкан стадионлар, муҳташам сарой ва заллар қуриш, мактаб, мактаблар очиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Кўплаб спортчиларимиз йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиб, Европа ва жаҳон чемпиони деган юксак унвонларга сазовор бўлдилар. Лекин спортнинг анчагина турларида силжишга эришилган, шу турларнинг чинакам «гроссмейстер»лари етишиб чиққан бўлсада, том маънодаги гроссмейстерлар — юксак маҳоратли шахматчилар тайёрланмади. Республикамиз вакилларидан бирор киши ҳозирча бу унвонга сазовор бўла олмади.

Айниқса, биз Ўрта осиёликлар шахматни халқимиз маданиятининг қадимий ва ҳозирда ҳам кенг ривож топган жабҳаларидан бири, деб биламиз. Чунончи кейинги ўн йилда шахмат санъати, шахмат спорти республикамизда чуқур илдиз отиб, уюшган шахматчиларимизнинг сони 1940 йилдагига нисбатан 50 марта кўпайди ва 250 минг кишига етди. Шахматдан СССР спорт мастерлари ва мастерликка номзодларимизнинг 80 фоизи ана шу даврда етишиб чиқди. Улар орасида мамлакат чемпионатларининг совриндорлари ҳам бор.

1968 йили Швецарияда ўтказилган жаҳон шахмат олимпиадаси пайтида Туркия шахматчилари билан суҳбатда: «Совет давлатининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган шахмат фестивалимизда 200 минг киши қатнашди», десам улар ҳанг-манг бўлиб қолишди. «Бизда 2 минг киши қатнашса жон дердик», дейишди. Биз эса бир иттифоқдош республикамиз вакили гапга аралашиб, ўзларида етишиб чиққан жаҳон чемпионлари, гроссмейстер ҳамда халқаро мастерлар ҳақида, қатор-қатор ҳашаматли шахмат клублари тўғрисида сўз очганда бу ҳам ўзимизникику, деб бир томондан хурсанд бўлсамда, иккинчи томондан Ўзбекистонда бундай эмаслигидан афсусландим.

Шахмат—ҳаммабоп, демократик ўйин: етмиш ёшли академикка маданий ҳордиқ бериш, етти ёшар боланинг ақлини пешлайди, дунё қарашини тезроқ шакллантиради. Шахмат турлича вазиятларга тўғри баҳо беришга ўргатади, ироданни мустаҳкамлайди ва ўз навбатида кишидан ўзини тута билиш, ўзига нисбатан қаттиққўл бўлишни, рўпарасида турган рақиб иродасини енгишни талаб этади. Шахмат — ижчил мантиқий тафаккурнинг ажойиб мактабидир. Бизнинг асримизда яъни чексиз ва ҳадсиз информациялар одамни ҳар тарафдан ўраб олаётган даврда ижодий фаолият шуларнинг мағзини тезроқ чақиб олган кишигагина насиб этади. Шу жиҳатдан шахматчини олий кибернетика системаси билан таққосласа бўлади. Қисқаси, шахмат киши характерининг таркиб топиши ва фикрлаш қобилятининг ўсишида катта аҳамиятга эга. РСФСР, Латвия, Грузиядаги айрим мактабларда ўтказилган тажриба шахмат билан системали шуғулланган болалар фанларни яхшироқ ўзлаштиришларни кўрсатади. Узбекистон мактаб ўқувчилари биринчилигида иштирок этаётган ёш шахматчиларнинг деярлик барчаси аъло ва яхши баҳолар билан ўқиётганлиги бунга далил бўла олади.

Мен республикамиз шаҳар ва қишлоқларини кўп айланганман. Ҳар гал, айниқса қишлоқларда бўлганимда шахмат мухлисларининг кўплигини кўриб, танамга сиғмай кетаман. Бизга йўл кўрсатадиган, бошимизни қовуштирадиган устоз йўқ, қаерга тўпланишимизни ҳам билмаймиз, деб улардан доим бир оҳангдаги шикоятларни эшитганимда, севинчим дарҳол ўкинчга айланади. Мен бунга аралашгандек бўламан, тегишли ташкилотларнинг вазифаларини олиб қайтаман. Аммо барибир айтарли ўзгариш бўлмай қолаверади. Шахмат қишлоқ аҳолиси учун ҳам ажойиб маданий тадбирлардан бири экани ҳаммага маълум-ку, лекин унинг ташкилий ва тарбиявий томони билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

1924—1937 йиллар мобайнида Совет шахмат ташкилотига Владимир Ильич Ленинннинг сафдоши, Адлия халқ комиссари оташин большевик Н. Кириленко бошчилик қилган эди. «Шахмат—интеллектуал маданиятдир» деган шиорни ўртага ташлаган, 1925, 1935, 1936 йилларда Москвада улкан халқаро турнирлар ташкил этиб, ёшларни катта кўникмаларга ўргатган, Совет шахматчиларининг пешқадами М. Ботвинникни халқаро шахмат майдонида жавлон уришига замин тайёрлаган ажойиб ташкилотчи ҳам Н. Кириленко бўлган эди. Унинг ғузоҳлик беришича, Ленин октябрдан сўнгги нутқи ва суҳбатларида оммани зарарловчи ярамас ўтмиш сарқитларидан холос қилиш учун шахматни ҳам кенг ёйиш кераклигини айтган.

Қуйида мен республикамизда шахмат маданиятини, шахмат спортини тегишли мавқега кўтариш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ўз фикр мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Аввало барча физкультура ва спорт ташкилотларимиз шахматга нисбатан ўз муносабатларини, тубдан ўзгартиришлари, стадион, спорт заллари қурилишига қандай яхши эътибор бераётган бўлсалар, шахмат ҳаваскорларининг талабларига ҳам шундай эътибор беришлари керак. Бинобарин ҳар бир область марказида ҳеч бўлмаса битта замонавий шахмат клуби бўлсин. Тошкентдаги ягона шахмат клуби эндиги талабларга асло жавоб беролмай қолди. Маданият саройлари, истироҳат боғларида шахмат павильонлари очиш, район марказларидаги маданият уйлари, истироҳат боғларида, кўнгилли спорт жамиятлари қошида махсус хоналар ташкил этиш ортиқча ҳаражат талаб қилмайди. Янги анъаналар, маросимлар қатори маҳалла, ЖЭК, чойхоналарда шахмат ўйнаб ҳордиқ чиқаришга чинакам имконият яратилса кўнгилдагидек иш бўларди.

Ҳамма жойда айниқса олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумий таълим мактабларида шахмат секциялари тузиш, барча шаҳар ва район пионер саройлари ва уйларида шахмат тўгараклари ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида кўпроқ шахмат бўлимлари очиш, спорт маҳорати республика олий ҳамда ўсмирлар мактабларида шахмат бўлимларини имкони борича кенгайтириш лозим. Бундан ташқари, айрим умумий таълим мактаблари ва болалар боғчаларида шахмат дарслари киритишда Москва, Ленинград, Украина ва айрим социалистик мамлакатларда амалга оширилган фойдали тажрибаларни бизда ҳам ёйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Шахмат бўйича ҳам малакали педагог, тренерлар тайёрлаш масаласининг актуаллигини ҳисобга олсак, Узбекистон Давлат физкультура институти, Педагогика институтларимизнинг жисмоний тарбия факультетларида шахмат тарихи, назарияси, практикасидан дарслар киритишнинг пайти келди.

Шахматни кенг ёйиш, ҳаваскорлар маҳоратини тез ошишидаги энг зарур омиллардан бири — уни билиб пропаганда қилишдир, дейдиган бўлсак, газета ҳамда журналларда махсус шахмат бўлимлари очиш, борларини эса яхшилаш, телевидение ўқув программаси орқали мунтазам машғулотлар олиб бориш, шахмат адабиётларига ошиб бораётган талабни бир мунча қондиришимиз лозим. Иложи бўлса, ойда бир марта махсус шахмат бюллетени (масалан «Ўзбекистон физкультурачиси» газетаси базасида) нашр этиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда кўпроқ мусобақалар, шу жумладан, Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсдаги турнирлар ўтказиб туришни қатъий режалаштира олсак, ажойиб иш бўларди.

Республикамиз илмий марказларида жаҳон шахмат тарихи, шахмат терминологияси ва унинг бошқа қирраларини бойитувчи, лекин ҳали ўрганилмаган манбалар талайгина. Бинобарин академиямизга қарашли ёки бошқа бирор институт қошида юқорида зикр этилган масалалар устида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун имконият яратиб бериш керак, деган фикрдамиз.

М. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат федерацияси раисининг ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган тренер, СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати.

ҲАР ТЎҒРИДА

СУФРИЕР ВУЛҚОНИ

Франция департаменти статусини олган Гваделупанинг 350 мингдан ортиқ аҳолиси шу кунларда Суфриер вулқонининг «уйғониш»дан жуда хавфсирамоқда.

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Гваделупадаги Суфриер вулқони тез кунларда ҳаракатга кела бошлайди. Бу гоятда ҳалокатли бўлиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда. Айрим француз олимларининг айтишича, вулқоннинг отилиши газнинг портлаши билан бошланади. Унинг портлаш қуввати Хиросима шаҳрининг устига ташланган атом бомбасининг қувватидан 16—17 марта кучли бўлади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Гваделупа маъмурлари аҳолини хавфсиз ерларга кўчириш чораларини кўрмоқдалар. Вулқон отиладиган райондан 100 мингдан ортиқ кишини бошқа ерга кўчириш керак. Олимларнинг огоҳлантириши, департаментда кўрилаётган хавфсизлик чоралари одамлар орасида ваҳиманинг кучайишига сабаб бўлди. Натижада чор атрофдаги шаҳар ва қишлоқлар бутунлай ҳувиллаб қолди.

Шу ўринда тарихга мурожаат қиламиз.

1902 йилнинг май ойида 1,5 минг метр баландликдаги Мон-Пеле тепалиги ҳаракатга кела бошлади. Мон-Пеле яқинига жойлашган Сан-Пьер шаҳри аҳолиси ўша вақтда бир неча тунни уйқусиз ўтказиб, вулқоннинг уйғонишини кузатиб борган. Ўша йили 2 май куни вулқон кратеридаги тутунлар қуюқлаша бошлади. Орадан олти кун ўтгач эса Мон-Пеле даҳшатли ҳаракатга келиб, шаҳарга олтингугурт, қизиган тошлар, куллар ёғилди. Вулқоннинг атрофи 10 километргача аланга ичида қолди. Шаҳарнинг 30 минг аҳолиси нобуд бўлди. Даҳшатли табиий офат пайтида ер остидаги турмада ётган бир неғр махбус ва қирғоқдан анчагина узоқлашиб кетган кемагина омон қолган эди. Лекин кемадаги йўловчилар ҳам тош ёмғири остида қолиб ҳалок бўлган ёки ярадор бўлган эди.

Мана энди яна вулқон отилишги кутилмоқда. Ваҳимага тушган аҳоли турар-жойларини, қадрдон далаларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Гваделупаликлар Суфриер вулқонининг «уйғониш»ни даҳшат ва ташвиш билан кутмоқдалар.

А. ОМИЛОВ.

ЯНГИ УЙЛАР

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚЎЙЛИҚ массивида муҳташам турар-жой бинолари қад кўтармоқда. Барча қулайликларга эга бўлган бу биноларни бунёд этишда Тошкент уйсозлик комбинати 26-қурилиш бошқармасига қарашли Абдураҳмон Ниёзов бошлиқ участка аъзоматлари шижоат кўрсатмоқдалар. Улар шу кунга қадар еттита 24 ва 56 квартирали уйларни пардозловчиларга топширдилар. Сергей Холод, Хомид Тўлаганов, Бозорбой Хуррамов каби бетончи, пайвандчи, қорачилар бу ишда бошқаларга ўрнак бўлишди.

Ҳозирда фойдаланишга топширилган бино олдидаги ободонлаштирилмоқда.

А. ИНОҚОВ.

Спорт

ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИ

Совет Иттифоқининг кузги чемпионатида олий лига командалари яна учта матч ўтказдилар. Киев динамочилари Москвада ўз клубдошлари билан ўйнаб, биринчилик ўйинларида учинчи марта мағлубиятга учрадилар. Киевликлар дарвозасига ягона тўпни пойтахт динамочиси Гершкович 10-минутда киритди.

Днепропетровск футболчилари Москва спартакчиларини қабул қилиб 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар ва муҳим икки очкони қўлга киритдилар. СССР Кубоги эгалари — тбилисликлар эса ўз майдонларида Москва темирйўлчилари билан куч синашдилар. Ўйинда ҳисоб очилмади.

СПАРТАКЧИЛАР — ҒОЛИБ

Тошкентда рус шашкаси ва халқаро шашка бўйича республика команда чемпионати бўлиб ўтди. Бир неча кун давомида кўнгилли спорт жамиятлари ва ташкилотларнинг коллективлари ғолиблик учун баҳс юритдилар.

Чемпионатда спартакчилар юксак маҳорат кўрсатдилар. Улар 15,5 очко жамғариб, биринчи бўлдилар. Иккинчи ўринни ғолиблардан бир очко кам тўплаган «Меҳнат» командаси эгаллади.


ИККИ ТУР ҚОЛДИ

Республика зарбдор комсомол қурилишлари бинокорларининг IV анъанавий спартакиадаси ниҳоясига етиб бормоқда.

Зарбдорлар мусобақасининг навбатдаги босқичи Самарқандда бўлиб ўтди. Бу ерда шахматчи ва шашкачилар куч синашишди. Биринчи ва иккинчи ўринлар учун ҳал қилувчи матчда Самарқанд суперфосфат заводи ва Чорвоқ гидроэлектростанцияси бунёдкорлари учрашдилар. Бунда 3,5:2,5 ҳисобида самарқандликлар устун келишди. Чорвоқ вакиллари иккинчи ўринни эгалладилар.

Ниҳоясига етган саккиз тур бўйича мусобақалардан сўнг «Қаршистрой» вакиллари олдинда боришмоқда. Улар 92 очко жамғаришган. Чорвоқ ГЭС бунёдкорлари 86 очко билан иккинчи, «Андижангидрострой» коллективи 83 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бугун зарбдор бунёдкор спортчилар якунловчи мусобақаларни бошлайдилар. Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида баскетбол турнирига, Чорвоқ ГЭСда эса оғир атлетикачилар баҳсига старт берилади.



Тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри бўлмиш жонажон Тошкентимиз кундан-кунга жамол очмоқда. Суратда: В. И. Ленин ҳайкалидан бир кўриниш.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

Ҳурматли санъат шинавандалари!

10 сентябрда — КЕЛЕС (Охунбобоев номли колхоз стадионида);
11 сентябрда — ОЛМАЛИҚ (стадионида);
12 сентябрда — АНГРЕН (стадионида).
15 сентябрда — ЧИРЧИҚ (стадионида).

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
«ОҚ ОЛТИН» БУНЕДКОРЛАРИ
ШАРАФИГА БАҒИШЛАНГАН

«САНЪАТ БАЙРАМИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ФЕСТИВАЛИ ВА БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС
«ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари— Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Мирсодиқ ТОЖИЕВ;
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Раънохон НИЗОМОВА;
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ХАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилафруз ЖАББОРОВА;
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЁЗОВА;
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА;
Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Шерали ЖЎРАЕВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дадахон ҲАСАНОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА;
Ёш ижрочилар: Назира ШЕРАЛИЕВА, Ҳавасхон ИСКАНДАРОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Мусиқа раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ ва Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб борадилар.
САНЪАТ БАЙРАМИ СОАТ 19.00 да БОШЛАНАДИ.
Билетлар стадион, маданият уйлари, кино-театрлар, шаҳар ва районларнинг марказий кўчаларидаги кассаларда эрталаб соат 10 дан сотилмоқда.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Горнчилар, қаердасиз! 11.15 — СССР халқ артисти О. Андровская. 12.25 — Концерт-вальс. 13.10 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Шахмат мактаби. 16.25 — Концерт. 17.10 — Б. Кербобоев ижоди. 17.50 — «Интербитмаш-76». 18.20 — Асл йигитлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунига бағишланган кўрсатув. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 23.30 — Петродворец (ҳужжатли фильм).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Икки кучукчанинг саргузашти (мультфильм, 7, 8, 9-серийлар). 11.50 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 12.20 — Тоғ қасоскорлари (бадиий фильм, 1-серия). 18.30 — Телефильм. 18.45 — Кўғирчоқ театри. 19.15 — Зачёткада — меҳнат ёзи. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Инсон ва қонун. 20.30 — Ёшлар ижоди. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Симфоник поэмалар. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.45 — Қалъа жавоб берди (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.30 — Насриддиннинг саргузаштлари (бадиий фильм). 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — Фильм-концерт.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9 IX да Антигона.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — мамлакатимиздаги машҳур иллюзиончи Эмиль КИО иштирокида «МУЪЖИЗАЛАР ОЛАМИДА» иллюзион ревю гастроллари (19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Бегона хатлар — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 15, 19, 21), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Муҳаббат чўриси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Жиноят — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (11, 12.30, 14, 16, 18, 19.30, 21.15).

Жаннат калити; Тоннель охиридаги нур — «НУКУС» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Алдаш — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тақдир ўйини, ёки Қушдек енгил бўлинг!, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги гайдук — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Жаннат калити — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Шайтон малайлари — Вилис тегирмонида — ҲАМЗА номли (11, 14, 17, 20).

Ҳур қизлар — Г. ҒУЛОМ номли (11, 14, 17, 20).

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «ЯНГИОБОД» (11, 14, 17, 20).

ЁЗГИ БИНОДА

Тақдир ўйини, ёки Қушдек енгил бўлинг! — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50).

Алдаш — «ХИВА» (20.50).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИНИНГ
11 СЕНТЯБРДА
9-МАВСУМ ОЧИЛИШИ
11—12 СЕНТЯБРЬ — КЕЧ СОАТ 19.00 да
М. КАРИМОВ асари

«ЎН САККИЗ ЁШЛИГИМ»

(Икки пардали драма)
Спектакль премьераси.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Б. ИХТИЕРОВ.
Режиссёр — М. ҲАМИДОВ.
Рассом — А. БАТИКОВ.
Музика танловчи — Ш. ҲОШИМОВ.
Билетлар сотилмоқда.

«ПРОМЖИЛВОДСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 2-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА

асфальтчилар — йўл ишчилари, термоизоляциячилар (тунука қоқувчилар)

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.
Икки йил ичида уй-жой берилади.
Мурожаат учун адрес: Бектемир шаҳри, «Водников» микро райони, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—13340. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. В—2641.